



88

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

6 йил „ 4 „И Ю Л Ъ

№ 139-К

Самарқанд вилояти ҳудудидаги магистрал каналларнинг қирғоқ бўйи минтақасига ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонунининг 12, 14 ва 48 моддаларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174 рақамли, вилоят ҳокимининг 1994 йил 1 августдаги 485 рақамли қарорларига асосан вилоят сув хўжалиги бирлашмасига вилоятимиз ҳудудидаги магистрал каналларнинг сувларини ифлосланишини олдини олиш, унумдор ер майдонларини сақлаб қолиш, емирилиш жараёнларини ва бошқа зарарли таъсирларни олдини олиш учун Жомбой, Пахтачи, Булунғур, Нуробод, Самарқанд, Тайлоқ туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилояти сув хўжалиги бирлашмасига вилоят ҳудудидаги каналларни қирғоқ бўйи муҳофаза минтақасига ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Жомбой туман ҳокимининг 1995 йил 26 сентябрдаги 834-қ, 835-қ рақамли, Пахтачи туман ҳокимининг 1996 йил 26 январдаги 43-қ рақамли, Булунғур туман ҳокимининг 1996 йил 6 июндаги 183-қ рақамли, Нуробод туман ҳокимининг 1996 йил 22 январдаги 12-қ рақамли, Самарқанд туман ҳокимининг 1996 йил 26 февралдаги 104-қ рақамли, Тайлоқ туман ҳокимининг 1995 йил 27 декабрдаги 494/12 рақамли қарорлари, хўжаликлар ва ер турлари кўрсатилган иловага асосан тасдиқлансин.

2. Каналларни қирғоқ бўйи минтақаси учун ажратилаётган ер майдонлари Самарқанд вилояти сув хўжалиги бирлашмасига табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун фойдаланиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Ҳамроевга топширилсин.

Вилоят ҳокими



А. Мардиев

А.МАРДИЕВ